

МУСТАҚИЛЛИК ХУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

9 ЯНВАРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ЯНГИЙИЛНОМА

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Муштарам газетхон!

Сиз билан «Соғлом авлод йили»да учрашиш насиб этди. 9 январь куни ўтайдиган Президент сайлови, шубҳасиз, янги йилимизнинг энг муҳим тарихий воқеаси бўлиб қолади. Чунки мамлакатимизнинг тақдири, халқимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги кўп жиддатдан биз сайлайдиган Президентнинг салоҳиятига куч-гайратига ва юртамжак сиёсатига боғлиқ. Ҳар биримиз қалб амрига қулоқ солиб, ана шу имкониятларга эга бўлган мард ва доно юртбоши учун овоз берамиз. Шунинг учун газетамизнинг барча ўқувчиларини, юртдошларимизни конституциявий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиб, яхшанба куни бўладиган

Президент сайловида фаол қатнашишга чақирамиз.

Хонадонига яхши тилак, қутлуг ният билан кириб келган элчиларни ҳар бир инсон ҳушнудлик билан қабул қилади. Биз аминмизки, «Хуқуқ» газетаси 2000 йилда ўз ўқувчиларининг нафақат уйига, балки кўнглига эзгулик элчиси мақоми билан кириб боради.

Газетамизнинг вазифаси фуқароларимизни тараққиёт манзилларига чорлашдан ва айни пайтда демократик жамиятда энг ишончли ҳимоя воқитаси ҳисобланган ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришдан иборат.

Биз қўлга киритган мустақилликнинг мақсади эса ҳар бир фуқарога Аллоҳ берган умрни бир инсон каби яшаб

ўтиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Бинобарин, газетамиз мустақил юрт фуқаролари манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда ва бундан кейин ҳам ўз аҳдида устувор яшайди.

Маълумки, бош муассисимиз — Республика прокуратураси 2000 йилда ҳам мамлакатимиз қонунларига бирдай амал қилинишини изчил назорат этиб бориш позициясида қатъий туриб, фуқароларнинг хофлатланган ҳақ ҳуқуқларини ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни асосий вазифалардан бири сифатида режалаштирган. Қонуний паноҳ ва ҳимоя истаб келган биронта ҳам фуқаро бу даргоҳдан ноумид қайтмасин, деган талаб ҳар бир про-

куратура ходими учун ёзилмаган қондага айланиб бормоқда. Ҳар бир ариза ва шикоят қаттиқ назоратга олинмоқда. Бу жараён газетамиз саҳифаларида ҳам ўз аксини топади.

Соғлом авлод деганда жисмонан бақувват, маънан етуқ, қонунлар билан яшайдиган ва ишлайдиган озад шахс қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Биз замондошимизни ана шундай қиёфада кўрмоқчимиз.

Биз 21 асрга соғлом авлоднинг мустаҳкам сафларида кириб боришни орзу қиляпмиз. Бу — ният. Бу — мақсад. Бу — вазнинг ҳаракат дастуригимиз. Муштарийларимиз режаларимизнинг амалга ошишида бизга қўлдош бўладилар, деб умид қиламиз.

Ҳаммамизга соғлом авлод йили муборак бўлсин, азизлар!

Таҳририят

2 ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг бутун Ўзбекистон халқига янги йил табриги матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 31 декабрда қабул қилган «Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг энг катта ставкаси 45 фоиздан 40 фоизга туширилди.

Орта қолган 1999 йилнинг сўнги кунда Россия Президенти Б.Ельциннинг истеъфога чиқиши қутилмаган воқеа бўлди. АҚШ Президенти Билл Клинтон «Тайм» журнада эълон қилинган мақолада Борис Ельцинни «Россия демократиясининг отаси» деб атади.

«2000 йил муаммоси»нинг тахмин қилинган оқибатларини энгил ўтишга ўз компьютер тизимини тайёрлаш учун АҚШ салкам 100 миллиард доллар сарфлади.

ЯНГИ ЙИЛ МАДҲИ

ИККИ МИНГИНЧИ

Қуша минг йилли меҳмоним,
Кутарга етди имконим.
Ҳаётим бора, сингил-чи,
Келей, дўст, иккимингичи!

Беҳишт янглиғ чаман бир юрт
Тузайлик, анда балқисин қут.
Жадал отига мингил-чи,
Келей, дўст, иккимингичи!

Меҳр, поклик, садоқатини,
Олиб кел завқу роҳатини.
Ҳаним бошларда сингил-чи,
Келей, дўст, иккимингичи!

Ҳар уй нур, бахтга тўлсин,
Ҳама эл ўйнасин, қулсин.
Ҳасад бағрини тилгил-чи,
Келей, дўст, иккимингичи!

Қамол топ қайта минг йиллар,
Ҳазонсиз яшасин эллар,
Хумойим, бошга қўнғил-чи,
Келей, дўст, иккимингичи!

Мансур АЛОВУДДИН

Яқинлашиб келаятган
улуғ айём — Рамазон
Ҳайитингиз муборак
бўлсин, азиз
ватандошлар!

Янги Рукни

СОҒЛОМ АВЛОД ҚАЙҒУСИДА



Газетамизнинг азиз мухлислари! 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан газетамизда янги «Соғлом авлод қайғусида» рукнини очишга қарор қилдик. Газетамизнинг ушбу сони 5-бетда ана шу рукнда берилган материаллар билан танишасиз. Бизга яқин ҳамкор бўлинг!

«Хуқук»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати:

Бўритош Сайфуллаев,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мэлс Наимов,
Дилшод Исмолов,
масъул котиб
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи —
231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Фуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Тахририятта келган қўл-ёзма
ва суратлар эгаларига
қайтариқмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикрларидан
фарқланishi мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Хуқук»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси
тахририят компьютер
марказида
Pentium-II MMX
компьютерига саҳифа-
ланган.
Саҳифалаш ва дизайн
ишларини Б.Саидов
бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет
усулида А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси - 41.

Буюртма Г-053
Нухсаси - 21744

Босмаҳонага топшириш
вақти 20.00
Босмаҳонага
топширилди 19.30

Газета ҳафтанинг
чоршанба кунлари чиқади

Навбатчи
Н.Маҳмудов

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

СУХБАТ

— Тошкент вилоятида ҳам
қишлоқ ҳўжалиги етакчи соҳа
хисобланади. Бу соҳада исло-
хотларни чуқурлаштиришга
доир кўплай қонунлар, Прези-
дент Фармонлари, Вазирлар
Маҳкамаси қарорлари қабул
қилинди. 1999 йилда вилоятда
ана шундай қонунлар, фармон
ва қарорлар ижросини таъмин-
лаш юзасидан Сиз раҳбарлик
қилаётган прокуратура идора-
си қандай ишларни амалга
оширди ва бу фаолият қандай
натижаларга олиб келди?

— Қишлоқ ҳўжалигида исло-
хотларни чуқурлаштириш, дар-
ҳақиқат, ўта долзарб мавзу.
Аҳолининг аксарияти қишлоқ-
ларда яшайди, аграр соҳа халқ
ҳўжалиги қон томирларидан
бири эканлиги ҳамда ҳаётий
муҳим муаммоларни ҳал қилиш-
да қишлоқ ҳўжалигининг тутган
ўрни беқийсизлиги бу соҳага жи-
дий аҳамият беришни тақозо
этади.

«...Энг муҳими, қишлоқ иқти-
содиётда ва ижтимоий турмуш-
да, бинобарин сиёсатда ҳам
шундай бир бўғинки, шу бўғин
орқали бутун Республика фаро-
волик ва тўқин-сочинликка эри-
шди. Деҳқон бадавлат бўлса,
бутун республика бадавлат
бўлади», дея таъкидлаган эди
Президентимиз.

Дарҳақиқат, қишлоқ ҳўжали-
гидаги ислохотларни чуқурла-
штириш йўналишида кўпгина
қонунлар, Фармонлар ва қарор-
лар қабул қилинди. Уларнинг

тўлиқ ижросини таъминламас-
дан туриб, бу соҳада силжиш-
ларга эришиб бўлмайди. Масал-
ан, Вазирлар Маҳкамасининг
«Иқтисодий ночор корхоналар-
ни санация қилиш» тўғрисидаги
қарорини олайлик. Бу қарорга
кўра, вилоятда 1998 йилда жами
13 та жамоа ҳўжалиги санация
қилинган.

Вилоят иқтисодий ночор кор-
хоналар ишлари бошқармаси
томонидан санация қилинган
ҳўжаликларнинг 1998-99 йилги
фаолиятлари таҳлил қилинган-
да санация мuddати жорий йил-
нинг 1 январидан тугаши лозим
бўлган 8 та ҳўжаликда санация
ҳўлатидан чиқиб кетиш имко-
нияти мавжудлиги маълум
бўлди. 4 та ҳўжалик йилни яхши
кўрсаткичлар билан яқунлади.
Бекобод туманидаги «Ўзбекист-
он» жамоа ҳўжалигида эса са-

ошириш мuddати ва чора-тад-
бирлари тўғрисида»ги қарори
ва вилоят ҳокимининг шу ҳақда-
ги 1998 йил 8 августдаги қаро-
ри асосида вилоятда мавжуд
деҳқон-фермер ҳўжаликлари ат-
тестацияга жалб этилиб, ундан
муваффақиятли ўтганларигина
қайта рўйхатдан ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг
1999 йил 11 январдаги «Бозор
шароитларида қишлоқ ҳўжали-
гини ислоқ қилишнинг иқтисо-
дий ва ҳуқуқий асосларини мақ-
садли ўқитиш тўғрисида»ги 1999
йил 29 январдаги қарори асо-
сида вилоятдаги барча фермер
ҳўжалиги раҳбарлари ўқув ма-
шғулотларига жалб этилди.

Бироқ шунга қарамадан, ви-
лоятдаги баъзи фермер ҳўжа-
ликларида ҳамон қонунбузар-
лик ҳолатларига йўл қўйилаёт-
ганлиги аниқланди. Масалан,

деҳқон-фермер ҳўжалик-
лари уюшмалари, жамоа ҳўжа-
ликлари раҳбарлари томонидан
фермер ҳўжаликларига амалий
ёрдам бериш лозимлиги кўрсати-
тилган бўлса-да, жойларда
қонуннинг бу талаблари етарли
даражада ижро этилмапти.

Вилоят прокуратураси умий
назорат бўлими томонидан
1999 йилнинг май ойида текши-
риш ўтказилганида, Ўртачирчиқ
туманидаги 4 та, Бўқа тумани-
даги 40 та фермер ҳўжаликлар-
ида «Фермер ҳўжалиги тўғриси-
да»ги қонуннинг 10-моддаси
талабларига амал қилинмаган-
лиги аён бўлди. Қонунга кўра,
фермер ҳўжалигига ер эллиқ
йилгача, лекин ўн йилдан кам
бўлмаган мuddатга шартнома
асосида ижарага берилиши,
ерни ижарага бериш шартно-
маси ширкат, жамоа ҳўжалиги

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ АМАЛДА БЎЛСИН!

Тошкент вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси
Бўритош САЙФУЛЛАЕВ билан «Хуқук» мухбири суҳбати

нация масалалари бўйича ишчи
гурухи тузилиб, қўшимча чора-
тадбирлар белгиланди.

Маълумки, ерга мулкчилик
масаласи деҳқончиликка оид
давлат сиёсатининг ҳал қилув-
чи занжиридир. Вилоятимизда
ташкил этилган 2729 та мустақил
фермер ҳўжаликларидан
2064 таси деҳқончилик, 438 таси
қорвачилик, 227 таси бошқа
соҳаларга иxtисослашган. Фер-
мер ҳўжаликларига жами 37696
гектар ер майдони ҳар хил муд-
датларга ижарага берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
1999 йил 15 июлдаги «Фермер
ҳўжалиги, деҳқон ҳўжалиги
тўғрисидаги Ўзбекистон Респуб-
ликаси қонунларини амалга

Чиноз туманидаги Т.Эрнарзоров
номли жамоа ҳўжалигида жой-
лашган А.Шакарнов номли, «Ян-
гиобод» жамоа ҳўжалигида жой-
лашган А.Ёқубов номли ва О.Хи-
диоров номли фермер ҳўжалик-
ларида ердан самарасиз фой-
даланаётганлиги, ҳосилдорлик
кўрсаткичлари жуда пасайиб
кетганлиги, ерлар ўз ҳолига таш-
лаб қўйилганлиги аниқланиб, бу
фермер ҳўжаликларидан жами
53 гектар ер майдони қайтариб
олинди.

Ўзбекистон Республикаси
«Фермер ҳўжалиги тўғрисида»-
ги қонунининг 29-моддаси,
«Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги
қонунининг 25-моддасида қиш-
лок ва сув ҳўжалиги бошқарма-

бошқарувлари билан фермер
ҳўжалиги раҳбарлари томонидан
имзолашнинг кўрсатилган
бўлишига қарамай, бу фермер-
лар 1998 йил сентябрь-октябрь
ойларида қайта рўйхатдан ўтган
бўлсада, текширув кунига қадар
жамоа ҳўжаликлари билан ер
ижараси бўйича шартнома тузи-
маганлар. Фермер ҳўжаликлар-
ига зудлик билан ер ижараси
шартномаси тузиш ҳақида амр-
номалар берилиб, бу қонунбу-
зилишлар бартараф қилинди.

— 1999 йилда жиноятчилик-
ка, қонун бузилишларга қарши
курашда Сизни кўпроқ қайси
масалалар ташвишлантирди ва
бунда қандай қонуний ечимлар
қўлланилди?

ШУ СОНГА ХАТ

ТИЛАКЛАР МУСТАҲОБ БЎЛСА

Ҳар юртнинг ўз таровати, ўз шарт-шароити
бўлади, дейдилар.

Зарафшон миллат ва эллар дўстлиги, би-
родарлиги садоқат билан қуйланадиган, гузар-
ларидо фуқаролар аҳил-иноқ истиқомат қила-
диган осуда шаҳарлардан бири. Унда 72 мингдан
ортиқ аҳоли яшайди. Қайси бир саноат корхо-
наси, маҳалла ёки мактабда бўлманг, ўткази-
лаётган қай тадбирда иштирок этманг, ўзбек,
қозоқ, рус, корей, украин ва бошқа миллатга
мансуб кишиларни учратасиз. Гарчи сўзлашиш-
да, урф-одатларда фарқ сезилса-да, мақсадлар
битта: аҳил ва фаровон яшаш, шу юрт келажак-
ги, эртанги кунни учун меҳнат қилиш. Тилаклар
бирлашган, байналминал ғоялар қуйланадиган
юртда, албатта, тенглик, тотувлик, ўзаро
ҳўрмат туйғуларни қарор топади.

Кириб келган 2000 йилда халқимиз муҳим
сиёсий жараёнга юз тутиб яшамокда. У ҳам
бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентли-
гига ўтказиладиган сайловдир. Бугунги тинч ва
тўқин турмушимиз ўз-ўзидан вужудга келает-
гани йўқ. Шундай экан, кўп миллатли зараф-
шонликлар эл бошини баробар силайдиган, қалб
шуури билан халқни ёруғ йўлларга олиб чиқшига

қодир номзод учун яқинлик билан овоз беришлар-
иға ишонаман.

Ҳўрматли тахририят! Илғор нашрлар қато-
рида биз қонун ҳимоячилари «Қонун ҳимоясида»
журнали ҳамда «Хуқук» рўзномасиға ҳам уюш-
ган ҳолда 2000 йил учун обуна бўлдик. Таклифи-
миз шуки, берилаётган ранг-баранг мақолалар
қаторида, Ватан ҳимояси йўлидаги мардикларни
акс этган ҳодимларимиз ҳақидаги ҳикоялар,
лавҳалар бериб борилса.

Модомики, адолатли давлат қонунчилиги
ҳақида қайғурар эканмиз, онда-сонда бўлсада,
орамизда учраб турадиган касбига нолойиқ касб-
бошошларимиз кирдикорларини фойда этувчи, иб-
рат йўлида ёзилган мақолаларни ҳам бериб
бориш керак, деб ўйлайман. Токи уларнинг охи-
роқибатдаги қисматлари қолганларни ҳушёр-
ликка чорласин.

Янги йилда барча-барчангизга, шунингдек,
касбдошларимизга ҳам олам-олам бахт, янги
ютуқлар тилаб қоламан.

Сайилхон СЕРИКБАЕВ,
Зарафшон шаҳар прокурори ўринбосари,
I даражали ҳўқуқшунос

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

БАДНАФС КУЗАТУВЧИЛАР

Абубакир Умаров ва Низом-хўжа Оқилхўжаев кузатувчилик қилиб келаётган вагонлар (улар 280-Тошкент-Денов йўналиши бўйича қатнайди) йўловчи поездига тегишли) кўздан кечирилганда ҳар бўлса 5-6 нафардан чиптасиз йўловчилар кетишаётганлиги маълум бўлди. 279-сонли йўловчи поездининг Исмаат Комиллов, Рўзубой Шоймуродов, Рустам Рўзиев, Азамат Мухторов сингари кузатувчилари ҳам худди шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйишган. Уларнинг ўз фойдалари учун олғир эканликларига тан бермай илож йўқ. Лекин йўловчилар учун сира жон куйдиришаётганлиги ранжитади кишини. Вагонларда турли хил чиқиндилар тўпланиб хидланиб кетганлиги, махсус кимёвий тозаловчи сув йўқлиги аниқланди. Йўловчиларга бериладиган чойшаб ва ёстик жилдлари ифлос ҳолда сақланаётганлигига нима дейсиз?!

Мазкур шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Бир нарса ажабланарли: бу кимсаларнинг ҳам ўз мутасадди раҳбарлари бор-ку? Нега улар қўл остидаги ходимларни тартибга қайтаришмайди? Ёки тартиб қисқиб жойи бормикан. Қачонгача уларнинг кирдикорларини прокуратура идоралари фож қилиши керак?

Ўқтам БҮРИЕВ,
Термиз транспорт прокурори.
Қурбон ЖҲУНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

— Жиноятчиликнинг ҳар қандай кўриниши жамият учун хавфлидир. Лекин кейинги пайтларда диний экстремизм ва фундаментализм, террорчилик жиноятларининг кенг тарқалаётганлиги жаҳон афкор оммасини жиддий хавотирга солмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бу турдаги жиноятлар вилоят ҳудудида ҳам содир этилаётганлиги бизни кўпроқ ташвишлантиради.

1999 йилнинг 11 ойи мобайнида вилоятда турли диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган бир қанча шахс ҳисобга олинди. 194 та жиноят иши қўзғатилган. Шулардан 107 та жиноят иши маъмуран кўриб чиқиш учун вилоят судига юборилган. Бу рақамлар кам эмас ва шунинг учун ҳам хавотирлидир. Халқ осойишталигига раҳна солувчи бундай жиноятлар илдиришдан давлатларда халқнинг аҳоли қандайдй кечаётганлиги бизга маълум-ку.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида баъзи ёшларнинг бу оқимга билмасдан, адашиб кириб қолганлиги ҳам маълум бўлди. Бундай ёшларга нисбатан юртбошимиз авф эълон қилгандан сўнг вилоят бўйича 29 та шахс устидан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.

Ёшларнинг бундай йўллارга кириб қолишининг олдини олиш учун, аввало, уларга ислом динининг асл моҳиятини, қолаверса, диний экстремизм оқими ва бу ҳаракатларнинг салбий оқибатларини ҳам тўлиқ тушунириб боришимиз лозим. Бу борада ҳуқуқий наشرларимизда долзарб мақолалар бериб борилаётганлигини таъкидлаш жождир.

Вилоят прокуратураси, ИИБ ҳамда МХХ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига қарши бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чора қўриш борасида олиб бориладиган тезкор ишлар натижасида 26 нафар республикамиз фуқаро-

си Чеченистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатлардаги махсус лагерларда жангдор тайёргарликдан ўтаётган аниқланган бўлиб, улардан 3 нафари ҳозирги кунда қамоққа олинди ҳамда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга вилоят прокуратураси ҳуқуқий муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда диний экстремистик ғояларни тарғиб этувчи адабиётлар ва варақаларни тайёрлаб, тарқатаётган шахслар йўлига ҳам жиддий тўсиқ қўйди.

Шуни таъкидлаш лозимки, виждон эркинлиги, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш мавсумий иш эмас, балки масаланинг ўта муҳимлигидан келиб чиқиб, шаҳар ва туман прокурорлари томонидан мазкур қонунлар ижроси назоратини янада кучайтириш лозим деб ўйлайман.

— Судлар адолатни қарор топтирувчи муқаддас даргоҳ саналиб келинган. Вилоятдаги одил судлов фаолиятига қандай баҳо берасиз?

— Жамиятда адолатни қарор топтириш учун биринчи ўринда одил судлов ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан холи бўлиши керак. Аксинча, адолат қарор топмаса, халқнинг, аввало одил судловга, қолаверса давлатга бўлган ишончида дарз кетади. Бу эса салбий оқибатларга олиб келиши тайин.

Вилоятимиз судларида истиклол йилларида муҳим ўзгаришлар бўлди. Фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, адолатли ҳукм ва қарорлар чиқарилмоқда. Лекин, шу билан бирга айрим туман ва шаҳар судларида ноқонуний қарор ва ҳукмлар чиқариш ҳолатлари ҳамон учраб турганлиги ачинарлидир. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида прокуратура идоралари томонидан шаҳар ва туман судлари қабул қилган қарорларидан 175 тасига кассация тартибда, 10 тасига хусусий тартибда, 118 тасига

эса назорат тартибда протест келтирилиб, вилоят судининг кассация ва назорат босқичлари томонидан қаноатлантирилди. Туман ва шаҳар судларида фаолият кўрсатаётган айрим судьяларимиз жиноятларни маълумлашда янглишишга ва баъзан пайтларда қонунларни қўллаш тартибидан бузиш ҳолатларига йўл қўяётганлиги ҳақиқий эътироз ва шикоятларга сабаб бўлмоқда. Масалан, Тошкент туман судининг 1999 йил 30 июндаги ажримига кўра, Жиноят Кодексининг 25-182-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилган С.Руслан ва В.Бакиннинг жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 10-моддаси талабларига зид равишда шу фармоннинг 8-моддаси қўлланилиб, ҳаракатдан тўхтатилган.

Ваҳолаки, улар содир этган жиноят ўта оғир жиноятлар турқумига қиради. Фармоннинг 8-моддасини бу шахсларга нисбатан қўллаш мумкин эмас. Шу сабабли прокурор томонидан ноқонуний суд қарорларини бекор қилиш, жиноят ишини янгида суд мажлисида қўриш ҳақида протест келтирилди. Айнан шу масала бўйича жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида прокурорларнинг кассация протестларига асосан 40 та суд қарори, назорат тартибидаги протестларга кўра эса, 30 та асоссиз суд қарори қонун талабига мослаштирилди.

Прокурорлар давлат айбловини малакали қувватласалар ва судьялар жиноят ишларини фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ-еркинликларини муҳофаза этган ҳолда, адолат тарозисини асосида ҳолисона кўриб, ҳал этсалар, сансалорликларнинг олди олинган бўлар эди.

— Президентимиз Ислам Каримов 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилди. Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган прокуратура идо-

раси қандай янги режа ва тадбирларни амалга оширишни мўлжаллапти?

— Вилоят бўйича вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик камайишига эришилган бўлсада, бизни жиноят содир қилишда иштирок этаётган ўсмирларнинг сони кўпайиб бораётганлиги, кўпга жиноятлар ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар томонидан содир этилаётганлиги ташвишлантиради.

Вилоят прокуратураси ҳуқуқий муҳофаза қилувчи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда вилоят ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишида вояга етмаганларнинг яшаш жойлариди таълим-тарбияси, ота-оналарининг ҳақобатлиги, ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшларни ўқиш ёки ишга жалб қилиш каби масалалар муҳоказма қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, биз ўз иш режаларимизга «Таълим тўғрисида»ги, ёшларнинг соғлигини сақлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийликни белгилаш, умумий ҳарбий хизматга тайёрлаш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёвандлик ва фоҳишабозликка қарши курашга қаратилган ва шу каби бошқа қонунлар ижросини таъминлаш вазифаларини ҳам киритганмиз.

Юртбошимиз «Ёшлар савоб ишларимизнинг эртанги давомчиларидир», деб бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар тарбияси ота-онанинг, мактаб, маҳалла-қўйнинг, қолаверса, барчамизнинг бош вазифамиз бўлиши лозим.

Меҳри БОЛТИЕВА
суҳбатлашди

ВАТАН ТАЯНЧИ



Ганишер Жумаяев 1962 йилда туғилган. 1984 йил ТошДУни тамомлаган, Ҳарбий прокуратура тизимида 1987 йилдан буён ишлаб келади. Ошлал, 2 нафар фарзанди бор.

тахкашлаш, бу борадаги ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг оғишмай бажарилишини назорат этишдир.

Бу ўринда Республика Президентининг 1999 йилнинг 30 март кунда чиқарилган Фармони барча ҳарбий юристлар учун тарихий воқеа бўлди. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкил этилди. Ҳарбий прокуратура тузилмаси буткул ўзгартирилиб, гарнизон прокуратуралари ўрнида ҳудуд ҳарбий прокуратуралари тузилди. Улар фаолияти устидан маҳкамавий назоратни янада кучайтириш мақсадида юқори ҳарбий прокуратураси тузилди.

Ҳарбий прокуратура тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Республика Бош прокурори томонидан «Ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Мазкур ҳужжат

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА - ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ЙҮЛИДА

Республика Президентининг кўрсатилган Фармони талабларидан келиб чиқиб, соҳанинг асосий йўналишини кўрсатиш билан бирга, прокуратуранинг Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги янги вазифаларини белгилаб берди.

Мазкур вазифаларни бажариш ва ҳарбий прокуратура тузилмалари фаолиятини ташкил этиш Бош прокурор ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори, унинг ўринбосарлари, Ҳайъат аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан Республика Бош прокурорининг 1993 йилги 3-сонли «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида» бўйриги талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт ичида ташкилий-кадрлар йўналишида катта ҳажмда ишлар бажарилиб, Ҳарбий прокуратуранинг янги тузилмалари ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Қўшимча штатлар ва маблағларни сафарбар этмай ўтка-

зилган бу тадбир қисқа вақт ичида Ҳарбий прокуратуранинг тезкорлигига, жиноятчиликка қарши кураш суръатига, жамоага етказилган мулккий зарарларни ундириш фаолиятига кескин ижобий таъсир кўрсатди.

Аниқ мисолларга мурожаат қилган бўлсак, соҳадаги ислохотлар, қатор янги ҳарбий тузилмаларнинг таркиб топишига, яъни назорат ҳажмининг кенгайишига қарамай, амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида 1999 йилнинг 11 ойида Қуролли Кучларда жиноятчиликнинг 23,9 фоизга камайишига эришилди. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ўғирлик, мулкни талон-тароҳ қилиш, суиистеъмолчилик, хизматга совуқхонлик билан қараш, ўзаро муносабатларга оид устав



қоидаларини бузиш каби жиноят турлари кескин камайди.

Бугунда ноаниқ шароитда содир этилган барча оғир жиноятлар тўлиқ фож этилган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда мустаҳкам ҳарбий интизомни ва ҳуқуқ-тартибот ишларини кучайтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, ҳамisha жангвор тайёргарлик-

(Давоми 5-бетда)

ВАТАН ТАЯНЧИ

ҲАРБӢЙ ПРОКУРАТУРА - ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

(Бошланғичи 3-бетла)
ни юқори даражада сақлаш зарур деб ҳисобланмоқда.

Айнан шу масалалар бўйича 1999 йил 11 ноябрь кунин Тошкентда Республика Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш Қўмитаси, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва Ҳарбий суд раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот» ёшлар жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарлари фаол иштирок этган маъруза анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари - Республика Ҳарбий прокурори Б.Дехқонов «Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучлари, чегара, ички ва қоровул қўшинларида Ҳарбий интизом ва ҳуқуқ тартиботи ҳамда қўшин ва қисмларнинг қўмондонлари билан ҳамкорликда Ҳарбий жамоаларда салбий ҳолатларни ўз вақти-

да аниқлаш ва унинг олдини олишдаги профилактика ишларини ташкиллаштиришнинг аҳволи ҳақида» маъруза қилди.

Ҳарбий прокуратура иш самарадорлигининг ошиши натижасида Республика Президентининг Ҳарбий прокуратура тўғрисидаги Фармони қабул қилингандан кейинги вақт ичида Ҳарбий қонунбузарликлар билан етказилган зарар давлатга ундирилди. Ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан тергов жараёнининг ўзида ҳамда Ҳарбий судда қўрилган ишлар бўйича келтирилган зарарни ундиришга қаратилди.

Ушбу тадбирлар Қуролини Кучлар қўмондонлиги ва барча Ҳарбий хизматчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, жорий йилда Мудофаа вазирлиги Ҳарбий савдо Бош бошқармаси томонидан 650 миң сўм дебитор қарзларни ундиришда қўрсатилган ёрдам учун, Молия бошқармаси томонидан қарздор ташкилотлардан

22 миллион 500 миң сўм ундириб берилганлиги учун миннатдорчилик хатлари олди.

Албатта, Ҳарбий прокуратура фаолияти нуқсон ва камчиликлардан холи эмас. Айрим соҳаларда прокурорлик назорати етарли деб бўлмайди. Давр талаби даражасида ишлашга қодир бўлмаган баъзи ходимларнинг баҳридан кечигишга тўғри келди, улар тегишли тарзда Ҳарбий прокуратура тизимларидан бўшатиладилар, ўр қатор ходимларимиз интизомий жавобгарликка тортилди.

Ҳарбий прокуратура тизимида ҳозирги кунда хизмат қилиб келаётган прокурор-тергов ходимларининг деярли 80 фоизини ёш кадрлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда, Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти томонидан уларнинг касб маҳоратини ошириш ишлари қайтадан қўриб чиқилиб, бу йўналишда тегишли тадбирлар белгиланди. Тармоқда офицерларнинг касб маҳоратини ошириш ишлари, мажбурий жисмоний тайёргарлик, қурулдан отиш, лотин ёзувини ўрганиш йўлга қўйилган, маърифий - маънавий йўналишдаги ўқув дарслари ташкил этилган.

Жойларда Ҳарбий прокуратураларнинг иш фаолияти Ҳарбий прокуратура марказий ма-



Суратда: криминалистика прокурори Борис Трезубов ва жиноят тергов бошқармаси бошлиғи Венер Раҳмангулов ашёвий далилларни қўздан кечиршишмоқда.

камаси ва қуйи прокуратуралари томонидан қаттиқ назорат остига олинган. Бу борада Республика Прокуратураси, Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Ҳарбий прокуратуранинг тақомиллаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Бугун ходимларимизга ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ талаб қўйилган. Чунки бизнинг ходимларимиз ҳам прокуратура ходимлари ва айни вақтда офицерлар сифатида ҳар томонлама ўрناق бўлишлари шарт.

Ғ.ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратурининг
катта ёрдамчиси,
адлия полковниги



Суратда: адлия майори Собиржон Ёқубов ва адлия катта лейтенанти Сунонжон Чориевлар иш устида.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Қизил салтанат ҳатто Чор Россияси журъат этолмаган ишни қилди: ислом мафйурасига қарши кураш никоби билан асрлар давомида авайлаб, асраб келинган миллий бойлигимиз — китобларни ёқиб, йўқ қилиш учун ҳамма чораларни қўрди. Маънавий илдини қирқиб ташланган халқни эгиб олиш осон бўлади, деб шундай йўл тўтилган. Бироқ зукко боболаримиз ажойиб бир жасорат билан кўнгина нодир қўлёмаларни сақлаб қолдилар, ҳатто қайта тиклаб бердилар. Бу китоблар ҳозир пойтахтимиздаги машҳур кутубхоналарнинг олтин фонди ҳисобланади. Лекин мен ҳозир бу ҳақда эмас, балки оддий бир китобхон сифатида ана шу бойликлардан фойдаланиш ҳақида ёзмақчиман. Бу ерда гап нодир қўлёмалар ҳақида эмас, чунки уларни ўқийдиган ўз мутахассислари бор. Биз талабалар, ҳамма фўқураолар ўқини мумкин бўлган китоблардан фойдаланиш имкониятлари бизнинг талабимиз даражасида бўлишини орзу қиламиз.

рон», Алишер Навоий кутубхоналари назарда тутилмоқда) Бу кутубхоналарнинг шароити яхши эмас. Китоблари эски, етмишинчи йилги нашрлар; жаҳондаги турли мамлакатларнинг илгор нашриётларидан чиқаётган китоблар кам.

А.Зокир, талаба:
— Кутубхонага бориб турман. Ҳозир четдан келаётган китоблар ичида дисклари би-



КУТУБХОНА ҲАҚИДА ОРЗУЛАР

Қувон қовундан ранг олади, деган гап бор. Мустанкиллик шарофати билан, ривожланган хориж мамлакатига бориб келишган, ўша юртларда ўқиётган ака-опаларимиз, тенгдошларимизнинг ҳижояларидан ҳозирги замон кутубхонаси қандай бўлиши кераклигини тасаввур этамиз.

Мустанкилликнинг 9-йилида яшамоқдамиз. Бу ёқда XXI аср кириб келмоқда. Шунинг учун бизнинг кутубхоналардаги шароит Гарвард ёки Оксфорд университетлари кутубхоналарига яқинлашиб боришини орзу қилиш эмас, талаб қилишга ҳақимиз бўлса керак, деб ўйлайман.

Ўрни келиб қолгани учун яна бир савол: эшитишимизга қараганда Алишер Навоий номли мамлакатимизнинг бош кутубхонаси учун янги бино қурилишида маълум ишлар қилинган, ҳатто бу ҳақида газетада хабар берилган экан. Шу тўғрими?

Бизнинг кутубхоналаримиз замон талабига жавоб берадими? Айни пайтда кутубхона ва китобхон муаммоси ёлғиз, менинг ташвишим эмаслигини таъкидламоқчиман. Марҳамат:

Г.Азимова,
ТошДУ талабаси:
— Кутубхонага кам бораман. Барибир мен излаган китобларни у ердан тополмайман. («Ту-

ҳан чиқарилади. Афсус, бизда ҳали бундай шароит йўқ. Бизнинг кутубхоналаримизда ҳам компьютер, ксерокс қурилмалари бўлганда яхши бўлар эди. Балки шунда у ерга борувчилар сон кўпаяди, деб ўйлайман.

Ш.Саодат, ўқитувчи:
— Ҳозирги ёшлар кутубхоналарга кам боришади. Уларда негадир китобга қизиқиш камми? Ўқитувчилар мажбур қилишмаса, улар кутубхонага қадами ни қўйишмайди.

Толиб ака, ТошДУ, домла:
— Тўғри, айрим кутубхоналаримиз ҳозирги давр талабига етарлича жавоб берадими. Кутубхоналаримизда ксерокс

қурилмаси ўрнатилмаган. Нусха олиш учун бошқа ерга бориш керак, китобни эса беришмайди. Кутубхоначилар фаол эътиборли, муомалали бўлишлари керак. Кутубхоналарда базан сифирни топсанг ҳам китобни топиб бера олишмайди.

Энг фаол китобхонлар — талаба ва домларнинг фикрларини баён этдик. Ҳақиқатан ҳам таниқли (А.Навоий, Турон) кутубхоналаримиз қачонгача шу аҳволда бўлади?

Кўпчиликда, ҳамма кутубхоналарнинг аҳволи ёмонми, деган савол туғилиши табиий. Йўқ, албатта. Замон талабига жавоб берадиган кутубхоналар ҳам

БИШКЕКНИНГ БЕҲАЛОВАТ ТУНЛАРИ

Қирғизистон пойтахтида бошқинчилик ва қотиллик жиноятлари сони кун сайин ортиб бормоқда

18декабр кунин тунда Бишкек шаҳридаги «Эл Кат» фирмаси офисига бошқинчилик содир этилди. Бу ерда Бишкек компьютер тармоғига ва Интернетдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишлар эди. Уша тунда хизмат кўрсатиш бўлими навбатчи муҳандиси 25 ёшли Александр Кильматов ўлдириб кетилган. Жиноятчилар кичик калибрли ўт очар қурул билан унинг кўкрагини нишонга олишган ва оқибатда муҳандис шу заҳотиёқ жон таслим қилган.

Жиноятчилар сейфни бузишган. Маълумотларга қараганда жиноятчилар унча катта ўлжага эга бўлишолмаган. Бу машғум қотилликдан биринчи бўлиб, қўшни офиснинг қоровули хабар топди. Эрта саҳарлаб «қўшни»сини уйғотиш учун қирган қоровул марҳумининг полда ётган жасадига дуч келди.

Худди шу кунин ярим тунда Эркиндик хиебонида ҳам соқинчиликни ўқ товуши бузди. 20-25 ёшлардаги номаълум шахс такси ҳайдовчисининг кун бўйи топган даромадига эғалик қилишга уринди. Ҳайдовчининг қаршилигига жавобан жиноятчи кичик калибрли қурулдан ўқ узди-да қочиб қолди. Такси ҳайдовчиси эса қўлидан яраланди. Маҳаллий телевидение ва радио хабар қилгандай, ҳар иккала ўқ ҳам битта «ствол»га тегишли, деган хабар тасдиқланганича йўқ. Бироқ инкор этилмаган ҳам.

Г.АБДУРАЗЗОҚОВА,
ТошДУ талабаси

ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

САБРНИНГ ТАГИ...

Кўп нарса корхона раҳбарининг ишбилармонлигига боғлиқ. Оқил раҳбар энг аввало ишни яхши ташкил қилади. Ходимларнинг кўнглига йўл топиб, уларнинг иш ҳақларини ўз вақтида олишини таъминлайди. Ана шундай ташкилотда иш унумдорлиги юқори бўлади. Ўз меҳнатига яраша маош олган ходим жон-дили билан ўз корхонасида тер тўкиб ишлайди. Бунинг акси бўлган жойда эса...

Туманда А.Багировни кўпчилик тажрибали, ғайратли раҳбар сифатида яхши биларди. Унинг бу хислатларини инобатга олишиб, аҳоли бир нав бўлиб турган «Электрорфан» кўшма корхонасига раҳбар этиб тайинлашди. Аммо, раҳбарнинг корхона фаолиятини жонлантиришга қўли «келишмади». Ходимлари тақдирини ҳам хаёлдан кўтарди. Ишчилар эса маош кутиб чарчашди.

Ҳамза туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишича, кўшма корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари кўпол равишда бузиб келинган. Ҳатто 1998 йилнинг 4 чораги учун ҳанузгача иш ҳақи берилмаган. Бундай қонунбузарликларга йўл кўйганлиги учун А.Багировга нисбатан маъмурий иш кўзғатилди. Парвойипалак раҳбар бундан тегишли хулоса чиқариб, ходимларининг иш ҳақларини ҳал қилса ажабмас...

Шунингдек, Автонаклиёт корхонаси раҳбари Б.Худойбергана ҳам тегишли жазога тортилди. Сабаби, корхонада иш ҳақи тўлаш муддати кўпол равишда бузилган. 1999 йилнинг март ойи учун — 169.0 минг сўм, апрель ойида 375.0 минг сўм, май ойида 482.9 минг сўмлик иш ҳақлари ишчиларга ўз вақтида берилмаган.

«Эталон» кичик корхонаси

пойтахтнинг қок марказида фаолият кўрсатади. Корхона ходимлари ёз бўли маошсиз ишлаган. Ҳали замон олишларига ҳам ишонқирамаяптилар. Корхона раҳбари В.Григорян нўноқлиги учун «муқофотланди» — қонуний жазосини олди. Ишчилар эса маошларини кутишмоқда. Раҳбар бунинг удрасидан чиқса қиқди, акс холда унга қаттиқроқ чора кўрилади.

«Фархун» шўъба корхонаси раҳбари А.Аширбоевнинг «ишбилармон»лиги натижазида ташкилот қулоғига чарга ботиб қолган. 1999 йил 1 августгача иш ҳақи бўйича қарзлар 580 минг сўмни ташкил қилди. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари 298 минг сўмдан ошиб кетди. А.Аширбоев эса «Фархун» олдиди турган шу каби муаммоларни ҳал этиш ўрнига бир неча фуқаролардан пул олиб, фирибгарлик қилиб келган. Туман прокуратураси бу ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши кўзғатди.

Сайёра МАДИЯРОВА,
Ҳамза туман
прокурорининг ёрдамчиси

КОНУН БАРЧАГА БАРОБАР



Хайрулла Абровов 1964 йилда тузилган. ТошДУ-нинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Иш фаолиятини Миробод туман прокуратурасида бошлаган. Сўнгра Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори вазифасида ишлаган. Айни вақтда эса ушбу прокуратуранинг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.

БОТҚОҚДА СУЗИБ БЎЛМАЙДИ

Дунёга келган одам боласи борки, яхши яшашга интилади. Яхши яшаш бу - ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларни етарлича қондиришдир. Фаровонлик - ҳаёт мезонига айланиши лозим.

Бирок фаровонликка эришишнинг эскидан мерос қолган осон ва қинғир йўллари танлаётганлар ҳалиям умрамоқда. Давр моҳиятини англаб етмаган бу ношудлар эртами-кечми, барибир, бўйин эгишга мажбур бўлмоқдалар.

Андижонлик Маҳаммадjon Тўланов ишбилармонликни ҳавас қилиб кичик корхона очди - «МММ - Ҳамкор» деган. Аммо у бошқача «ишбилармон» чқиб қолди. «Ўзсавдогарбанк» амалиёт бошқармасининг собиқ бошлиғи О.Саидов ҳамда «Ўзсавдогарбанк» бошқаруви раиси А.Охунжонов билан «келишиб», банкдан 6 ойда қайтариш шarti билан 1997 йил 17 март куни 13 млн. сўмлик аксел олди. Шундан кейин енг ичида тузилган «шартнома» амалиёти бошланди. М.Тўланов 13 миллион сўм пулнинг 10 миллионини А.Мирсагатовга оширади. А.Мирсагатов «Ўзсавдогарбанк»нинг шаҳар бўлимидан 10 миллион сўм қарзини тўлаб юборади, М.Тўланов эса қолган 3 миллионни «ўнтакача уриб, ўзи учун сарфлай бошлайди. Масалан, 1998 йил 16 февраль куни Андижондаги «МММ - Корт» транскомпаниясидан 395000 сўмга «Тико» машинаси сотиб олади.

91-КМК корхонаси ҳам «сиздан угина, биздан бугина» қилиб, «МММ - Ҳамкор»га 800000 сўмлик қурилиш материали беради. М.Тўланов уни ҳам 500000 нақд пулга олган куни - 1998 йилнинг 1 май куниеқ сотиб юборади. Уша йилнинг 20 май куни эса 5200000 сўмлик газета қоғози ундириб, «Модеф савдо» шўъба корхонасига пуллаб, «МММ - Ҳамкор» МЧЖ ҳисобига туширмасдан, ўзи раҳбар бўлган яна бир хусусий корхона — «ФБСС» ҳисоб рақамига ўтказиб олади. Ва банкка қарзини қайтариш ўрнига ўз нафсига қарз бера бошлайди. Юқоридаги «уйинлар»нинг барини яшириб, солиқ тў - ламайди.

Ҳаёт давом этарди. Ботқоқ бўйлаб сузишга уринаётган қаҳрамонимиз ҳам «яшаётган» эди. Маълумки, ботқоқда сузиб бўлмайди, балки сузишга уринган одам М.Тўланов ҳам типирчиллашни кўймади. Таниши К.Абдзатов билан тил бириктириб, 1998 йил 4 сентябрь куни N - харбий қисм билан техника воситалари етказиб бериш ҳақида шартнома тузади. К.Абдзатов томонидан харбий қисмга 12 октябрь куни 2 та «Т-170» русумли бульдозер - 13960000 сўмлик техника етказиб берилди. Қолган 40040304 сўмлик маҳсулот гоийиб бўлади, қонун тилида айтганда, талон-тарож қилинади. Кейин маълум бўлишича, жаноб К.Абдзатов бу молларни Россияга олиб кетган экан...

М.Тўлановнинг «фаолиятида» яна бир қанча шундай «саҳифалар» борки, уларни айтаверса, ўрточа детектив асар дунёга келади.

М.Тўлановнинг ҳамтовоклари «Ўзсавдогарбанк» бошқаруви раиси А.Охунжоновга қидирув эълон қилинди, «Ўзсавдогарбанк»нинг амалиёт бошқармаси бошлиғи О.Саидовга нисбатан жиноий иш кўзғатилди ва у судда қонуний жазосини олди.

Ҳавас — яхши туйғу. Одам одамга ҳавас қилиб, фарован яшашга, ўздан зўрга тенглашишга, ожизларга ёрдам беришга интилади. Аммо «отлиққа эргашин...» деганларидек, ҳаваснинг, у оркали бўладиган ҳаракатнинг ҳам меъерини бўлиши керак. Пулга кўмилиб яшашни ҳавас қилган М.Тўланов унга ростдан кўмилиб, кўзлари юмилиб қолди. Энди панжара ортидан термулиб ўтирибди...

Инсон дунёда бир марта яшайди. Агар у нафс балосига йўлқаса умрини ғам-ғуссада ўткази. Ақл билан иш юритса, роҳат-фароғатда яшаб, эл ҳурматига сазовор бўлади. Бу ҳаммага маълум бўлган ҳақиқат. Лекин, М.Тўланов ва унинг ҳамтовоклари бу ҳақиқатни англаб етмади. Ушбу қолгани ёзишимиздан мақсад, бир жиноий гуруҳнинг ишмини ёзиб уларни элга шарманда қилиш эмас, аксинча, «қўлимда имкониятм бор, хоҳлаган ишмини қилишим мумкин» деб юрган кимсаларга ҳаром лўжма еганнинг холи охири вой бўлишини эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Х.АБРОРОВ

АНА, ХОЛОС!

«ҚУНДУЗ»НИ

КИМЛАР СЎНДИРДИ?

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган «Қундуз» ҳиссадорлик жамиятини бир пайтлар қўшни давлат фуқаролари ҳам яхши билишарди. «Қундуз»да ишлаб чиқилган сифатли маҳсулотлар бозорларда қўлма-қўл бўлган. Эндиликда бу корхонанинг шўхрати сўнди. Пойтахт ҳўжалик судининг қарори билан банкрот деб эътироф этилди. Сабаби - ҳиссадорлик жамиятининг бюджетдан қарзи 14719354 сўм, кредитор қарзлари 11861 минг сўм, туман пенсия фондидан тўланиши керак бўлган маблағ 713240 сўмни ташкил қилган. Бу ҳам етмагандек, бандлик хизматидан 51579 сўм қарз бўлган. Бир сўз билан айтганда, ҳиссадорлик жамияти қулоғига чарга ботган. Оқибатда ўз-ўзидан ишчиларга маош берилмади. Айрим ишчилар қадрдон ишончаси билан хайрлашди. Энг кизиги, бу ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ш.Назаров Машариповни заррача ташвишга солмаган.

Бир пайтлар машҳур бўлган «Қундуз» нега танг аҳволга тушиб қолди? Тошкент шаҳар прокуратураси ана шу саволга жавоб қидирди. Прокуратура томонидан чқур текширилиб таҳлил қилинганда бу ташкилотдаги кўпгина сирлар фoш қилинди. Айниқса, жамият бошқаруви раиси Ш.Машариповнинг куппа-қундуздаги ўғирлигини ҳам жамоа ахли ёқа ушлашди. Узи хон, кўланкаси майдон бўлган бу раҳбар ҳар бир донасининг нархи 3575 сўм бўлган 80 та плашч-пальто, умумий баҳоси 286000 сўмлик, бошқа фасондаги нархи 3697 сўм бўлган 164 дона плашч-пальто - жами баҳоси 606308 сўмлик, 4 дона қорақул терисидан тайёрланган аёллар пальтоси - умумий баҳоси 628800 сўмлик тайёр маҳсулотларни ўз автомашинасига юклаб, Урганч шаҳрига олиб бориб пуллаган. Биз юқорида ўмарилган маҳсулотларнинг айримларинигина келтирдик. Уларнинг рўйхатини яна чўзиш мумкин. «Ишбилармон» раҳбар жами бўлиб 8682851 сўмлик маҳсулотларни куппа-қундуз гўмдон қилган.

Бу ҳам етмагандек, Ш.Машарипов ўзига ишоний топширилган ваколатдан фойдаланиб, фарзгўйлик мақсадида кўпгина ҳўжатлардаги ёзувларни қалбакилаштириш билан ҳам қандайдир «операция»ларни амалга оширишни режалаштирган. Бирок, тергов даврида унинг барча сирлари фoш қилинди.

Тергов жараёнида Ш.Машарипов томонидан ҳиссадорлик жамиятига етказилган 9 миллион сўмлик зарар ундирилди. Суд яқинда «ишбилармон» раҳбар «фаолиятини» кўриб чқиди ва уни 7 йилга озодликдан маҳрум этди.

Энг кизиги, бу корхонада талон-тарожлик шунчалик авж олганки, омбор мудиридан тортиб цех бошлиқларигача маҳсулотларни ўмарши билан овора бўлган. Бу ишда корхона раҳбари юқорида тилга олганимиздек ўз қўл остидагиларга «намунана» кўрсатган. Жамиятнинг марказий омбори мудири Қодир Камоллов 1.633.332 сўмлик товармоддий бойликларни талон-тарож қилган бўлса, қурилиш бригадаси бошлиғи вазифасида ишлаган Юрий Қосимов омборчи акасида қолишмаган. У ҳам 29644 сўмлик маҳсулотларни ўзлаштирган. Терига ишлов бериш 1-цеҳи бошлиғи Содиқжон Ҳасанов нафси ҳақалак отган сўмларини ярим йўлда қолдирган. У ҳам 504075 сўмлик маҳсулотларни гўмдон қилган. ҲҲДаги «қўли эгрилар» рўйхатини яна хоҳлаганча давом этказиш мумкин. Яқинда бу «учар»лар ҳам судда ўз қилмишлари учун жавоб бердилар. Кишини ўйга толдирадиган томони шундаки, ҲҲДа шунча талон-тарожликлар содир қилинган бўлсада, юқори турувчи ташкилотлар «Қундуз» даги бу ҳолни кўрсалар ҳам ўзларини кўрмасликка олиб келганлар.

Ҳақли савол туғилиши мумкин. Нима учун шу вақтгача ҳеч ким уларнинг мушғини пишт демади. Агар бу жамоада бир ёки икки киши нафс балосига учраб халқнинг мол-мулкни талон-тарож қилганида эди, ҳа энди гуруҳ ичида ҳам курмаги бўлади-ку, деб ўзимизга тасалли берган бўлардик. Тергов жараёнида айбланувчилардан 10 миллион сўмдан ортик, суд томонидан 2 миллион сўмга яқин зарар ундирилди. Шаҳар ҳўжалик суди ҲҲнинг банкротлик фаолиятини қайта кўриб чқиб корхонани санацияга туширди.

Прокуратуранинг аралашувидан сўнг энг асосийси, корхонанинг ҳисоб-китоблари жойига тушди. Умид билан маош кутиб яшаган ишчиларнинг орузлари ушалди. Ҳозирги кунда «Қундуз» ўз фаолиятини давом эттириб маҳсулот ишлаб чқармоқда.

Сўнгги сўз ўрнида шу нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Айрим туман ҳокимликлари ва вазирликлардаги раҳбарлар жойлардаги раҳбар кадрларни тайинлашда уларнинг ўзлари учун саҳий ва садоқатлилигига эмас, балки ишбилармон ва ҳалолликларига эътибор берсалар яхши бўларди.

Бу — жиноятларни олдини олишнинг энг ишончли йўлидир.

Р.АЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг итисдий
жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими
алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

ГАСТРОЛ

**СИДНЕЙ
+
ГОНОЛУЛУ**



Майкл Жексоннинг бу галли янги йил концертлари ватандан анча олисда — Австралиянинг Сидней ҳамда Гавайи оролларидаги Гонолулу шаҳарларида бўлиб ўтди.

Поп-музыка кироли 31 декабрь куни дастлаб Сиднейдаги «Sydney Football Stadium» ўйингоҳида ўз мухлислари билан учрашди. Мусика кироли ўша куннинг ўзида шахсий самолётида Гонолулуга учиб келиб, «Aloha» ўйингоҳида концерт беради.

Концерт чипталарини аллақачонлар қўлга олиб, Майклининг интизорлик билан кутишадиган 70 мингдан ортиқ томошобин учун ўша кунни росманасига байрам бўлди. Мухлислар шунингдек, М.Жексон янги йил концертлорига алоҳида тайёргарлик қўрганга амин бўлишди.

КРОССВОРД

1		2		3		4		5		6		7		8
							9							
10										11				
				12			13							
14		15								16	17			
						18	19			20				
21		22		23						24		25		
				26										
	27									28				
29				30										31
32			33							34	35			
						36		37						
38		39		40						41		42		
				43		44		45						
46										47				
						48								
49								50						

Энига: 1. Республикадаги ёшлар жамғармаси. 5. АҚШ даги штат. 9. Европадаги давлат пойтахти. 10. Тўқилган идиш. 11. Орузу, умид. 12. Машмаша, жоғаро. 14. Сигарет русуми. 16. Қатқидан тайёрланган ичимлик. 18. Саф. 21. Тинч, осойишта. 24. Ижодкор аёл. 26. Россиядаги шаҳар. 27. Тикувчилик анжоми. 28. Саломнинг жавоби. 30. Африкадаги давлат. 32. Улуғ, улкан. 34. Таъзим қилмоқ. 36. Нефть маҳсулоти. 38. Муомала, боғланиш. 41. Тез ҳаракат қиладиган, чаққон. 43. Россиянинг энг кучли футбол жамоаси. 46. Туркиядаги зилзила рўй берган шаҳар. 47. Текис, силлиқ. 48. Заковат. 49. Ер қобиғи таркибида учрайдиган табиий кимёвий бирикма. 50. Ўзбекистон Халқ рассоми.

Бўйига: 1. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони. 2. Жун мато. 3. Газлама парчаси. 4. Самолёт пиллапоёси. 5. Мансаб, лавозим. 6. Европадаги давлат пойтахти. 7. Кийим ёки кўрпанинг ички қавати. 8. АҚШдаги штат. 13. Ичилади. суюқлик эмас. 15. Инкор этиш. 17. Медицинада қўлланиладиган спиртли жигар ранг эритма. 19. Ўзбекистон терма жамоасининг собиқ бош мураббийси, Футбол бўйича 12-Осиё ўйинлари голиби. 20. АҚШ ва Канададаги қўл. 22. Самарқанд вилоятидаги туман. 23. ЎздЭУ жойлашган шаҳар. 24. Бирор иш юзасидан олдиндан тўланган ҳақ. 25. Умид боғланган нарса ёки кимса. 29. Балиқ сақланадиган шиша идиш. 31. МДХ даги давлат президенти. 33. Жуфт-сиз, ёлғиз. 35. Соф, тоза. 37. Миллий мусика асбоби. 39. Само, фалак. 40. Сир. 41. Хурмат, иззат. 42. Ғов, тўсиқ. 44. Ширинлик тури. 45. Йигирш ёки газлама тўқишда ишлатиладиган ингичка матоҳ.

Тузучи: Зафаржон ХАСАНОВ



Тоғлар оша, қорлар оша...

КРИМИНАЛ

«ДУМБУЛ» ДЕЙСИЗУ, ЛЕКИН...

Пихини ёрган жиноятчилар оғир жиноят содир этишса, унчалик ажабланмаймиз, лекин бунақа жиноятга хали «думбул» болалар қўл урса-чи...

Соликамсқда 8-синф ўқувчиси Суханов 40 ёшли Виктор Зонинни вахшийларча ўлдирганига ақл бовар қилмайди. Гувоҳларнинг айтишича, у жабрланувчи билан «киттой-киттой» қилган. Спиртли ичимлик таъсирида «оғойнилор» жанжаллашиб қолишган. Оқибатда Суханов шисадошига пичок билан ташланади...

Суд-тиббий экспертиза хулосасида кўрсатилишича, у марҳумнинг бадонига 103 марта пичок урган.

Шу йилнинг февралда Суханов ўғирлик қилгани учун судланган эди. Рухий экспертиза ўсмирни ақлдан соғ деб топди. Суд эса уни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Усть-Илимск шаҳрида эса ёш босқинчилар ушланди. Ўсмирлар «Жигули» ҳайдовчисидан айтилган жойга олиб бориб қўйишни сўрошди. Бир неча кўчадан ўтишгач, улардан бири кўйиндан тўппонча чиқариб ўқ узади ва ҳайдовчидан машинадан тушишни талаб қилишади. Лекин болалар узокка қочиб кета олмадилар. Улар тезда қўлга олиниб, машина эгасига котирилди.

XX АСР СПОРТЧИСИ

АФСОНАВИЙ МУҲАММАД АЛИ

Буюк Британия ҳуқуматига қарашли Би-Би-Си телерадио корпорацияси томонидан ўтказилган «юз йилликнинг спортчиси» сўрови натижаси эълон қилинди ва бу шарафли нома афсонавий боксчи — Муҳаммад Али (Кассиуса Клея) сазовор бўлди.

Бир вақтлар куч-қувватга тўлган Муҳаммад Али ўзини «буюк» дея таърифлаганди. Хозирда эса унинг бу таърифини бутун спорт олами қўллаб-қувватламақда.

57-ёшли машҳур боксчи Қўшма Штатлардан Лондонга Би-Би-Си студиясининг махсус эсдалик совғаси — уч оёқли телекамеранинг илк нусхаларидан бирини олиш учун таъриф буюрди. «Бокс билан менинг ажойиб тақдирим боғланган. Мен бундан роҳатланаман ва айтишим мумкинки... яна рингга қайтишим мумкин», — дея ҳазиллашди муқофотни топшириш маросимида сўзга чиққан юз йиллик спортчиси. Хозирда Паркинсон касалидан азият чекаётган Муҳаммад Али бу сўзларни зўрга айтган.

«1999 йилнинг спортчиси» сўрови натижалари якунига кўра бу ном оғир вааздаги профессионал боксчилар ўртасида биринчи марта Британиядан чиққан чемпион Леннокс Льюисга насиб этди. Леннокс ҳам Муҳаммад Алининг шухрати олдига бош эгиб, уни «менинг асосий қаҳрамоним», деб таърифлади. Унинг фикрича, бошқа бирон-бир спортчи маҳоратини Муҳаммад Алининг қўлқон сеҳргарлиги билан қиёслаб бўлмайди.

БИЛАСИЗМИ?

**САРОЙЛАР
ИЧРА САРОЙ**

Буюк Британия қироличасининг Англиядаги қошонаси — Букингем саройи — қироллар саройлари орасида энг хушнамози ва кўхнаси саналади. Сарой Грин ва Сент-Жеймс боғлари ораллигида жойлашган, теварагида эса тагинам баҳрали, аёло даражада парваришланган боғлар ястаниб ётибди.

Даставвал ҳозир сарой турган жойда Горинг-хаус деб аталган қошона қурилган, кейинчалик эса, Чарльз II ҳукмронлиги даврининг давлат арбоби граф Эрлингтоннинг шаҳардаги қароргоҳига айланганида қошона Эрлингтон-хаус деб атала бошлади. Мазкур қошона 1703 йилда таг-тубидан бузиб ташланган, унинг ўрнида Букингем ва Норманд герцогининг фармойишига кўра бошқаси тикланган эди. Саройнинг ҳозирги номи ҳам шундан олинган.

Қирол Георг III уйланганидан сўнг кўп ўтмай 1761 йилда бу саройини сотиб олади ва у ўшанган бери қироллар қароргоҳига айланади. Хар бир янги ҳукмдор келиши билан унга қўшимча иморатлар қурилади ва сарой янада улуғвор ва маҳоратли кўринишга эга бўлиб бораверди. Сарой 1913 йилдан кейин ҳозирги кўринишга эга бўлди.

Букингем саройи нодир санъат асарлари ва осори атиқаларга бой. Саройга кириб-чиқиш омма учун берк бўлганлиги туфайли Давлат Залларининг диққатга сазовор жойлари билан телевидение орқали танишиш мумкин.

Ил - ўн икки ой, хусусан ёз ойларида бутун дунёдан келган ва гвардия қоровули алмаштириш кузатиб турадиган туристлар ёки шунчаки саройга бир назар ташловчилар Англия қироличасини ўз кўзи билан кўриш илинжида сарой кираверишидаги йўлакда ғужгон туришади. Қиролича саройда бўлган пайтларда Букингем саройи тепасида Бирлашган Қироллик давлат байроғи ҳилпираб туради.

Д. МАМАДАЛИЕВ
тайёрлаган

БАЛКИМ...

Ажойиб француз хонангаси Мирей Матьедан бир гал: — Ўпич сиз учун нимани билдирарди, — деб сўрашганларига соҳибжамол кўшиқчи: — Бу — бор-йўғи севгининг майдаланган бўлақлари, — деб жавоб қайтарган экан.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Судья гувоҳ аёлдан сўраяпти: — Ёшингиз нечода? — Ўттизга тўлдим. — Яхши, яхши, қайси йили?..


Эр-хотин машинада кетишяпти. Хотин: — Биласанми, келинимиз юрармиш. Эр: — Бу унинг иши. Хотин: — Ахир у ўғлимизга

хиёнат қияпти. Эр: — Бу ўғлимизнинг иши. Хотин: — Ахир у сен билан юрар экан. Эр: — Бу менинг ишим. Хотин: — Мен-чи? Эр: — Бу энди сенинг ишинг.

Шерлок Холмс: — О, Ватсон, Сиз иссиқ ички кийимга ўтиб олибсизми? — Ҳа. Қандай билдингиз?

— Сиз шим кийишни унутибсиз...

— Сен нега қайнонанинг кўмиш маросимига бормасдан ишхонада юрибсан? — Нималар деясан, мен байрам кунлари ҳам ишлайман.



ЯНВАРЬ	Д	3	10	17	24	31
	С	4	11	18	25	
	Ч	5	12	19	26	
	П	6	13	20	27	
	Ж	7	14	21	28	
	Ш	1	8	15	22	29
	Я	2	9	16	23	30

ФЕВРАЛЬ	Д	7	14	21	28	
	С	1	8	15	22	29
	Ч	2	9	16	23	
	П	3	10	17	24	
	Ж	4	11	18	25	
	Ш	5	12	19	26	
	Я	6	13	20	27	

МАРТ	Д	6	13	20	27	
	С	7	14	21	28	
	Ч	1	8	15	22	29
	П	2	9	16	23	30
	Ж	3	10	17	24	31
	Ш	4	11	18	25	
	Я	5	12	19	26	

АПРЕЛЬ	Д	3	10	17	24	
	С	4	11	18	25	
	Ч	5	12	19	26	
	П	6	13	20	27	
	Ж	7	14	21	28	
	Ш	1	8	15	22	29
	Я	2	9	16	23	30

МАЙ	Д	1	8	15	22	29
	С	2	9	16	23	30
	Ч	3	10	17	24	31
	П	4	11	18	25	
	Ж	5	12	19	26	
	Ш	6	13	20	27	
	Я	7	14	21	28	

ИЮНЬ	Д	5	12	19	26	
	С	6	13	20	27	
	Ч	7	14	21	28	
	П	1	8	15	22	29
	Ж	2	9	16	23	30
	Ш	3	10	17	24	
	Я	4	11	18	25	

ИЮЛЬ	Д	3	10	17	24	31
	С	4	11	18	25	
	Ч	5	12	19	26	
	П	6	13	20	27	
	Ж	7	14	21	28	
	Ш	1	8	15	22	29
	Я	2	9	16	23	30

АВГУСТ	Д	7	14	21	28	
	С	1	8	15	22	29
	Ч	2	9	16	23	30
	П	3	10	17	24	31
	Ж	4	11	18	25	
	Ш	5	12	19	26	
	Я	6	13	20	27	

СЕНТЯБРЬ	Д	4	11	18	25	
	С	5	12	19	26	
	Ч	6	13	20	27	
	П	7	14	21	28	
	Ж	1	8	15	22	29
	Ш	2	9	16	23	30
	Я	3	10	17	24	

ОКТАБРЬ	Д	2	9	16	23	30
	С	3	10	17	24	31
	Ч	4	11	18	25	
	П	5	12	19	26	
	Ж	6	13	20	27	
	Ш	7	14	21	28	
	Я	1	8	15	22	29

НОЯБРЬ	□	6	13	20	27	
	□	7	14	21	28	
	□	1	8	15	22	29
	□	2	9	16	23	30
	□	3	10	17	24	
	□	4	11	18	25	
	□	5	12	19	26	

ДЕКАБРЬ	□	4	11	18	25	
	□	5	12	19	26	
	□	6	13	20	27	
	□	7	14	21	28	
	□	1	8	15	22	29
	□	2	9	16	23	30
	□	3	10	17	24	31

Ўнги йилнингиз кутлуғ бўлсин!